



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil « 2 » июнь

№ ПҚ–5133

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–6240-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига (кейинги ўринларда – Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги) қўйидаги **қўшимча ваколатлар берилсин:**

мутасадди идоралар томонидан халқаро стандартлар ва техник регламентларнинг жадал жорий этилишини **мувофиқлаштириб** бориш;

маҳсулотларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида ва техник регламентларда белгиланган мажбурий талабларни бузганликда айбдор бўлган тайёрловчилар (ишлаб чиқарувчилар), сотувчилар ва ижрочиларга нисбатан **молиявий санкцияларни қўллаш бўйича судга мурожаат қилиш;**

корхоналарда техник регламент ва стандартлар талабларига риоя этмаганлик учун корхона ва тармоқ раҳбарларига **тақдимномалар** киритиш;

техник регламентлар, стандартлар ва қонунчиликда белгиланган **мажбурий талабларга номувофиқ деб топилган маҳсулотлар** тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва реестрини юритиш.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ҳудудларда саноат тармоқлари кесимида 2021-2022 йилларда ташкил этиладиган синов лабораториялари манзилли рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Тармоқлар ва маҳаллий корхоналарда стандартлаштириш, маҳсулот сифатини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ва ҳисоботларни эшитиб бориш схемаси 4.1 ва 4.2-иловаларга мувофиқ;

Тармоқлар ва саноат корхоналарида 2021-2022 йилларда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва метрология соҳаларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш режа-жадвали 5-иловага мувофиқ;

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш, аккредитация ва метрология соҳасини ривожлантиришнинг асосий индикаторлари рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Саноат тармоқлари раҳбарлари мазкур қарорнинг 3 ва 4.1-иловаларида назарда тутилган чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан ҳисоботларни **ҳар ойда** Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига (кейинги ўринларда – Ҳукумат комиссияси) киритиб борсин.

Ҳукумат комиссияси мазкур қарорнинг 6-иловасида келтирилган техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш, аккредитация ва метрология соҳасини ривожлантиришнинг асосий индикаторлари рўйхати бўйича ҳар йиллик кўрсаткичларни тасдиқласин ва ижроси юзасидан Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ҳисоботини эшитиб борсин.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирига:

зарур ҳолларда, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ва унинг тизимидаги бошқа ташкилотларнинг тузилмасига бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қўшимча штат бирликларини ажратиш;

меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, тор доирадаги мутахассисларни шартнома асосида Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига ишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилансинки:

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги “Ўзстандарт” агентлигининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитларига кўра Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги марказий аппарати ходимларига тенглаштирилади;

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори Вазирлар Маҳкамаси томонидан инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг тақдимномасига асосан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори ўринбосарлари ҳамда унинг таркибидаги тизим ташкилотлари раҳбарлари агентлик бош директори тақдимномасига асосан инвестициялар ва ташқи савдо вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шартлари бўйича вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади;

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари лавозимига ўриндошлик асосида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ходимини тайинлашга рухсат этилади;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилганлиги учун молиявий ва маъмурий жарималар Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг махсус жамғармасига тўлиқ ўтказилади ва ушбу маблағларнинг **50 фоиздан** кам бўлмаган қисми маҳаллий корхоналар томонидан халқаро стандартларни харид қилиш ва жорий этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун йўналтирилади.

6. Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш фаолиятига халқаро тажрибага асосланган ҳолда ихтиёрий тус бериш ва тартиботини соддалаштириш мақсадида:

аккредитациядан ўтишга буюртма беришда синов лабораторияларининг аккредитация соҳасига ташқи кўрик тавсифларини (инструментал ва органолептик таҳлиллардан ташқари) киритиши талаби бекор қилинади;

мувофиқликни баҳолаш органлари ходимларини сифат бўйича эксперт-аудиторликка аттестациядан ўтказиш ва сертификатлаштириш мажбурий талаблари бекор қилинади;

қонунчилик ҳужжатларида мувофиқликни баҳолаш хизматларини кўрсатиш учун ягона идораларни белгилашга (мудофаа ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадларидан ташқари) йўл қўйилмайди.

7. Қуйидагиларга:

Стандартлар институтига халқаро стандартлаштириш ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг стандартлаштириш идораларининг қоидалари ва шартномаларига мувофиқ, халқаро ва хорижий давлатлар стандартларини республикада тарқатишга ва ушбу ташкилотларга бадалларни тўлаб беришга;

Стандартлар институти ва Миллий метрология институтига илмий-техник лойиҳалар раҳбарлигига илмий даражага эга ходимларни (фан номзодлари, фалсафа докторлари (PhD), фан докторлари (DSc) фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида **жалб этишга рухсат берилсин.**

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш, аккредитация ва метрология соҳасида фаолият юритувчи ходимларга ойлик иш ҳақи тўланишида, тегишли йўналиш бўйича 7-иловада келтирилган халқаро ва хорижий ташкилотларнинг билим даражасини тасдиқловчи сертификатига эга бўлганда унинг амал қилиши даврида, бироқ 2 йилдан кўп бўлмаган муддат давомида, ойлик маошига нисбатан – 20 фоиз, эксперт сифатида рўйхатга олинганда ойлик маошига нисбатан – 40 фоиз миқдорида қўшимча устама ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган **эталонлар рўйхати** 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Молия вазирлиги Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда мазкур қарорнинг 8-илосида қайд этилган йилларда эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини харид қилиш учун зарур бўлган маблағларни назарда тутсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда **2022 йил 1 январга** қадар стандартларнинг ялпи ички маҳсулот ўсишига ва ташқи савдо айланмасига ижобий таъсирини баҳолаш бўйича услубий қўлланмани хорижий экспертларни жалб этган ҳолда **ишлаб чиқсин.**

11. Ўзбекистон Республикасининг йиллик инвестиция дастурларини шакллантиришда, республикада синов имкониятлари мавжуд бўлмаган йўналишлар бўйича, ўзлаштирилаётган янги маҳсулотларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини тасдиқлашни таъминлайдиган синов лабораторияларини ташкил этишни инвестиция лойиҳалари доирасида ёки алоҳида лойиҳа сифатида инобатга олиш амалиёти жорий этилсин.

12. Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги:

а) **2021 йил 1 августга** қадар стандартлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро стандартлар билан янгилашни тўлиқ яқунласин. Бунда, ишлаб чиқариш корхоналарига **2023 йил 1 январга** қадар янги стандартларга ўтиш муддати белгилансин ва амалдаги стандартлардан фойдаланишга **рухсат берилсин**;

б) **2021 йил 1 ноябрга** қадар инсон омилини камайтириш мақсадида Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматларни ахборот-коммуникация технологиялари орқали тўлиқ автоматлаштириш чораларини кўрсин;

в) хорижий давлатларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида фаолият олиб борувчи етакчи ташкилотларида Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва унинг тизим ташкилотлари мутахассисларини ўқитиш ва малакасини ошириб бориш бўйича самарали тизимни жорий этсин;

г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** Вазирлар Маҳкамасига:

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тўғрисидаги ва Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти тўғрисидаги низом лойиҳаларини;

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги ва “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги амалдаги қонунлари нормаларини ўз ичига олувчи янги “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини, шунингдек, янги таҳрирдаги “Стандартлаштириш тўғрисида”ги ва “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини киритсин;

д) саноат тармоқларида ташкил этиладиган лабораторияларни халқаро аккредитациядан ўтказишга кўмаклашсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 9-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев


Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ташкилий тузилмаси



* Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар (12), Қўқон, Олмалиқ, Бекобод ва Чирчиқ шаҳридаги филиаллари.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги марказий аппаратининг ТУЗИЛИШИ



**Маҳсулотлар синовларини халқаро талабларга мувофиқ ўтказилишини таъминловчи,
саноат тармоқлари томонидан ташкил этиладиган лабораториялар**

Т/р	Лойиҳа ташаббускори	Синов лабораторияси йўналиши	Қамраб олинadиган маҳсулот турлари	Ҳудудлар кесимида жойлашуви	Муддат	Жами лаборатория сони
1.	Стандартлар институти ва “ЎзТест” ДУК	Маҳаллий саноат ва саноат тармоқлари: озиқ-овқат, металл, электротехника, енгил саноат, полимер, кимё ва қурилиш маҳсулотлари	<p>1. Озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан: сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, ёғ-мой маҳсулотлари, тамаки маҳсулотлари, мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотлари, алкогольли ва алкогольсиз ичимликлар.</p> <p>2. Металл ва металл маҳсулотлари, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари, санитар-техник маҳсулотлар, бўёқ, елим, мастика, лок, битум, минерал вата ва гидроизоляция материаллар, табиий ва сунъий тош ва улардан ясалган маҳсулотлар, бетон ва темир-бетон, қуруқ аралашмалари қурилиш материаллари, керамик материаллар.</p> <p>3. Маиший техника воситалари сифати ва хавфсизлиги, электротехника маҳсулотларини энергия тежамкорлик самарадорлиги, ёритиш жиҳозлари, кабель маҳсулотлари.</p> <p>4. Тайёр кийим-кечак маҳсулотлари, ип-калава, чарм-пойабзал маҳсулотларини халқаро “Oeko-Tech Standart 100” асосида хавфсизлик ва сифат кўрсаткичлари бўйича синовдан ўтказиш, болалар ўйинчоқлари.</p> <p>5. Автотранспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, мотор мойлари ва мойлаш маҳсулотлари, совутиш маҳсулотлари.</p>	Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри	2021 йил IV чорак	31

2.	“Ўзтўқимачилик саноат” уюшмаси	Тўқимачилик саноати маҳсулотлари	<ol style="list-style-type: none">1. Ип-калава маҳсулотлари (пахта, аралаш, жунли ва ипакли).2. Хом ипак, ипаклик пахта.3. Тўқима, трикотаж ва нотўқима матолар (кийимлик, сочиқлик, декоратив, мебеллар учун).4. Тўқимачилик ва тикув буюмлари.4. Тайёр кийим-кечак маҳсулотлари.6. Гилам маҳсулотлари.7. Бош кийимлар (трикотаж, тўқима ва сунъий мўйна).	Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри	2021 йил 4 та, 2022 йил 10 та	14
3.	“Ўзчармсаноат” уюшмаси	Чарм саноати маҳсулотлари	<ol style="list-style-type: none">1. Пойабзаллар (этиklar, қўнжи калта этиklar, ботинкалар, қўнжсиз ботинкалар, сандалетлар, мокасинлар).2. Пойабзал учун чарм маҳсулотлари.3. Сунъий чарм, чарм-атторлик буюмлари (сумкалар, чамадонлар, рюкзаклар, спорт буюмлари, қўлқоплар).4. Сунъий мўйна (ипгазлама, лавсан, нитрон, жун, комплекс вискоза иплари).	Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри	2021 йил 7 та, 2022 йил 7 та	14
4.	Қурилиш вазирлиги, “Ўзсаноатқурилиш-материаллари” уюшмаси	Қурилиш маҳсулотлари	<ol style="list-style-type: none">1. Бетон ва темир-бетон маҳсулотлари (бетон қоришмалар, асфальт-бетон қоришмалар, бетон блок, пеноблок, газбетон, тротуар ва бетон плиталар).2. Қуруқ аралашмали қурилиш материаллари (цемент, гипс, оҳақ, бўр, каолин, бентонит, асбест, тошкол, шағал, қум, гравий, керамзит, кварц).3. Керамик материаллар (ғишт, плиталар, унитаз, раковина, биде, писсуар, ванна, черепица).4. Табиий ва сунъий тош ва улардан ясалган маҳсулотлар (гранит, мрамор, цемент ва гипс плиталар).5. Ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари (ДСП, ДВП, фанера, ламинат, эшик-ром, шпал, брус).6. Санитар-техника маҳсулотлар (смеситель, гофра қувурлар).	Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри	2021 йил 7 та, 2022 йил 7 та	14

			<p>7. Металл ва металл маҳсулотлари (арматура, сим чивиқ, швеллер, уголок, лист, сим, болт, гайка, винт, миx, эшик-ром ва қувурлар).</p> <p>8. Бўёқ, елим, мастика, лок, битум, минерал вата ва гидроизоляцияцион материаллар.</p>			
5.	“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси	Электротехника саноати маҳсулотлари, юқори ва паст кучланишли электротехника	<p>1. Маиший техника воситалари сифати ва хавфсизлиги (электр чойнак ва сув қайнатгич, музлатгич, ҳаво совутгич, дазмол, чанг ютгичлар, кир ювиш машиналари, идиш-товоқ ювиш машиналари, электр хона иситгичлар, электр қозонлар, электр нон пиширгич, шарбатсиққич, гўшт майдалагич, электр духовкалар).</p> <p>2. Электротехника маҳсулотларининг энергия тежамкорлик самарадорлиги (телевизор, совутгич ва музлатгичлар, ҳаво совутгич, кир ва идиш-товоқ ювиш машиналари ва электродвигателлар).</p> <p>3. Ёритиш жиҳозлари (лампалар, светодиодли ёритиш жиҳозлари, автомобиль ёритиш фаралари, светофорлар).</p> <p>4. Юқори ва паст қувватли трансформаторлар ва кабель маҳсулотлари.</p> <p>5. Лифтлар, горелкалар.</p>	Тошкент шаҳар	2021 йил IV чорак	1
6.	“Ўзбекнефгаз” АЖ	Нефть ва газ маҳсулотлари	<p>1. Суюлтирилган газ. 2. Синтетик нафта. 3. Синтетик керосин. 4. Синтетик дизел ёнилғиси.</p>	Қашқадарё вилояти	2021 йил III чорак	1
			<p>1. Суюлтирилган газ. 2. Табиий газ. 3. Суюқ мойлар. 4. Нефть ва нефть маҳсулотлари. 5. Сув таҳлили.</p>	Бухоро вилояти	2021 йил III чорак	1
7.	“Ўзкимёсаноат” АЖ	Минерал ўғитлар	<p>1. Азот-фосфорли ўғитлар. 2. Органик ўғитлар. 3. Аммофос ўғитлар.</p>	Тошкент ва Фарғона вилоятлари	2022 йил I чорак	2

			<p>4. Калийли ўғитлар. 5. Карбамид ўғитлар. 6. Аммиакли селитра. 7. Сульфат аммоний. 8. Суперфосфат.</p>			
8.	“Ўзавтосаноат” АЖ*	Машинасозлик маҳсулотлари	<p>1. Транспорт воситалари эҳтиёт қисмлари (тормозланиш колодкалари, накладкалари, тормозланиш ленталари, юритгич эҳтиёт қисмлари); 2. Пневматик шиналар. 3. Металл дисклар. 4. Ҳаво, мой ва ёнилғи тозалаш филтрлари. 5. Ҳаво ва сув совутгичлари, суюқлик бакчалари, мой, ёнилғи ва сув насослари, термостатлар, юқори босимли шланг маҳсулотлари, кузов қисми деталлари, хавфсизлик камарлари. 6. Пластик деталлар, олд, ён ва орқа ойналар, ўтиргичлар, пластик ва резина қоплагичлар. 7. Механик ва гидравлик (домкратлар). 8. Компрессорлар, клапан, затвор, задвижка (сурма қопқоқ)лар, шарли кран, қарама-қарши клапан, транспорт воситалари ва уларнинг мосламалари, металл бочкалар. 9. Мотор мойлари ва мойлаш маҳсулотлари, совутиш суюқликлари ва маҳсулотлари.</p>	Андижон, Фарғона, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри	Дастурга мувофиқ	25
9.	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги	Фармацевтика маҳсулотлари	<p>1. Дори воситалари ва тиббий буюмларни норматив ҳужжатлар талаблари асосида хавфсизлик ва сифат кўрсаткичлари бўйича синовдан ўтказиш. 2. Дори воситалари, тиббий техника ва тиббий буюмларни норматив ҳужжатлар талаблари асосида хавфсизлик ва сифат кўрсаткичлари бўйича синовдан ўтказиш. Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг клиник олди тадқиқотлари.</p>	Андижон, Тошкент, Хоразм ва Самарқанд вилоятлари	2022 йил II чорак	4

			<p>3. Дори воситалари ва тиббий буюмларни норматив ҳужжатлар талаблари асосида хавфсизлик ва сифат кўрсаткичлари бўйича синовдан ўтказиш.</p> <p>4. Дори воситалари ва тиббий буюмларни норматив ҳужжатлар талаблари асосида хавфсизлик ва сифат кўрсаткичлари бўйича синовдан ўтказиш.</p>			
--	--	--	---	--	--	--

Изоҳ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июлдаги ПҚ–4397-сон қарори 9-бандига мувофиқ тасдиқланган Автотранспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни тўла-тўқис синовдан ўтказишни таъминлаш учун маҳаллий лабораторияларни зарур техника ва ускуналар билан жиҳозлаш бўйича Комплекс дастур асосида “Ўзавтосаноат” АЖ таркибига кирувчи корхоналар тасарруфидаги 25 та синов лабораториялари босқичма-босқич модернизация қилинади*;

лойиҳанинг якуний қиймат кўрсаткичлари лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилганидан Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси билан келишилган ҳолда белгиланади**.

**Тармоқлар ва маҳаллий корхоналарда стандартлаштириш, маҳсулот сифатини таъминлашга қаратилган
ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Ҳукумат комиссиясида кўриб чиқиш
1.	<p>Маҳаллий саноат (мебель, парфюмерия, қоғоз саноат, металл, полимер, болалар ўйинчоғи ва шиша идишлар маҳсулотлари) соҳасида:</p> <p>1. Халқаро стандартларни корхоналарда жорий қилиш.</p> <p>2. Сифат менежмент тизимларини корхоналарда жорий қилиш.</p> <p>3. Маҳсулотларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини баҳолаш.</p> <p>4. Тизимли равишда корхона ишчи ходимларининг стандартлар моҳияти бўйича малакасини ошириш.</p> <p>5. Ҳудудларда ва корхоналарда маҳсулот синовларини амалга ошириш учун синов лабораторияларини ташкил қилиш ва модернизациялаш.</p>	<p>1. Корхоналар рўйхатини шакллантириш ҳамда халқаро стандартлар, сифат менежмент тизимларини жорий қилиш ва ишчи ходимларнинг малакасини ошириш ойма-ой тармоқ жадвалини тасдиқлаш.</p> <p>2. Тасдиқланган тармоқ жадвалларига мувофиқ корхоналарда 200 та халқаро стандартлар ва 5 та техник регламентларни жорий қилиш, экспортёр корхоналарга хорижий мамлакатларнинг талабларини етказиш.</p> <p>3. Экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда халқаро стандартларнинг жорий қилинганлигини баҳолаш.</p> <p>4. Баҳолаш натижасида стандартларга номувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатлари аниқланганда камчиликларни бартараф этиш бўйича корхонабай чора-тадбирлар белгилаш.</p> <p>5. Маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳудудлардаги жойлашуви ва маҳсулот туридан келиб чиқиб, синов лабораторияларини ташкил этиш тармоқ жадвалини тасдиқлаш.</p> <p>6. Амалга оширилган ишлар бўйича Ҳукумат комиссиясига маълумот киритиш.</p>	<p>икки ҳафта муддатда</p> <p>тармоқ жадвалига мувофиқ</p> <p>тармоқ жадвалига мувофиқ бир ҳафта муддатда</p> <p>икки ой муддатда</p> <p>ҳар ойда</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p> <p>Корхона раҳбарлари</p> <p>Инвестиция масалалари бўйича ҳоким ўринбосарлари, ЎзТТСА</p> <p>Инвестиция масалалари бўйича ҳоким ўринбосарлари</p>	<p>Киритилган маълумотлар ЎзТТСА томонидан таҳлил қилинган ҳолда йиғма маълумотлар Ҳукумат комиссиясига киритилади</p> <p>Ҳар чоракда Ҳукумат комиссиясида танқидий кўриб чиқиш</p>

2.	<p>Электротехника соҳасида:</p> <p>1. Халқаро стандартларни корхоналарда жорий қилиш.</p> <p>2. Сифат менежмент тизимларини корхоналарда жорий қилиш.</p> <p>3. Маҳсулотларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини баҳолаш.</p> <p>4. Тизимли равишда корхона ишчи ходимларининг стандартлар моҳияти бўйича малакасини ошириш.</p> <p>5. Ҳудудларда ва корхоналарда маҳсулот синовларини амалга ошириш учун синов лабораторияларини ташкил қилиш ва модернизациялаш.</p>	<p>1. Корхоналар рўйхатини шакллантириш ҳамда халқаро стандартлар, сифат менежмент тизимларини жорий қилиш ва ишчи ходимларнинг малакасини ошириш ойма-ой тармоқ жадвалини тасдиқлаш.</p> <p>2. Тасдиқланган тармоқ жадвалларига мувофиқ корхоналарда 1896 та халқаро стандартлар ва 4 та техник регламентларни жорий қилиш, экспортёр корхоналарга хорижий мамлакатларнинг талабларини етказиш.</p> <p>3. Экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда халқаро стандартларнинг жорий қилинганлигини баҳолаш.</p> <p>4. Баҳолаш натижасида стандартларга номувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатлари аниқланганда камчиликларни бартараф этиш бўйича корхонабай чора-тадбирлар белгилаш.</p> <p>5. Электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳудудлардаги жойлашуви ва маҳсулот туридан келиб чиқиб, синов лабораторияларини ташкил этиш тармоқ жадвалини тасдиқлаш.</p> <p>6. Амалга оширилган ишлар бўйича Ҳукумат комиссиясига маълумот киритиш.</p>	<p>икки ҳафта муддатда</p> <p>тармоқ жадвалига мувофиқ</p> <p>тармоқ жадвалига мувофиқ</p> <p>бир ҳафта муддатда</p> <p>икки ой муддатда</p> <p>ҳар ойда</p>	<p>“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p> <p>Корхона раҳбарлари</p> <p>“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, ЎзТТСА</p> <p>“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси</p>	<p>Киритилган маълумотлар ЎзТТСА томонидан таҳлил қилинган ҳолда йиғма маълумотлар Ҳукумат комиссиясига киритилади</p> <p>Ҳар чоракда Ҳукумат комиссиясида танқидий кўриб чиқиш</p>
3.	<p>Тўқимачилик ва чарм-пойабзал соҳасида:</p> <p>1. Халқаро стандартларни корхоналарда жорий қилиш.</p> <p>2. Сифат менежмент тизимларини корхоналарда жорий қилиш.</p> <p>3. Маҳсулотларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини баҳолаш.</p>	<p>1. Корхоналар рўйхатини шакллантириш ҳамда халқаро стандартлар, сифат менежмент тизимларини жорий қилиш ва ишчи ходимларнинг малакасини ошириш ойма-ой тармоқ жадвалини тасдиқлаш.</p> <p>2. Тасдиқланган тармоқ жадвалларига мувофиқ корхоналарда 1605 та халқаро стандартлар ва 3 та техник регламентларни жорий қилиш, экспортёр корхоналарга хорижий мамлакатларнинг талабларини етказиш.</p>	<p>икки ҳафта муддатда</p> <p>тармоқ жадвалига мувофиқ</p>	<p>“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>Киритилган маълумотлар ЎзТТСА томонидан таҳлил қилинган ҳолда йиғма маълумотлар Ҳукумат комиссиясига киритилади</p>

	<p>4. Тизимли равишда корхона ишчи ходимларининг стандартлар моҳияти бўйича малакасини ошириш.</p> <p>5. Ҳудудларда ва корхоналарда маҳсулот синовларини амалга ошириш учун синов лабораторияларини ташкил қилиш ва модернизациялаш.</p>	<p>3. Экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда халқаро стандартларнинг жорий қилинганлигини баҳолаш.</p> <p>4. Баҳолаш натижасида стандартларга номувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатлари аниқланганда камчиликларни бартараф этиш бўйича корхонабай чора-тадбирлар белгилаш.</p> <p>5. Тўқимачилик ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳудудлардаги жойлашуви ва маҳсулот туридан келиб чиқиб, синов лабораторияларини ташкил этиш тармоқ жадвалини тасдиқлаш.</p> <p>6. Амалга оширилган ишлар бўйича Ҳукумат комиссиясига маълумот киритиш.</p>	<p>тармоқ жадвалига мувофиқ бир ҳафта муддатда</p> <p>икки ой муддатда</p> <p>ҳар ойда</p>	<p>Корхона раҳбарлари</p> <p>“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, ЎзТТСА</p> <p>“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, “Ўзчармсаноат” уюшмаси</p>	<p>Ҳар чоракда Ҳукумат комиссиясида танқидий кўриб чиқиш</p>
<p>4.</p>	<p>Қурилиш материаллари соҳасида:</p> <p>1. Халқаро стандартларни корхоналарда жорий қилиш.</p> <p>2. Сифат менежмент тизимларини корхоналарда жорий қилиш.</p> <p>3. Маҳсулотларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини баҳолаш.</p> <p>4. Тизимли равишда корхона ишчи ходимларининг стандартлар моҳияти бўйича малакасини ошириш.</p> <p>5. Ҳудудларда ва корхоналарда маҳсулот синовларини амалга ошириш учун синов лабораторияларини ташкил қилиш ва модернизациялаш.</p>	<p>1. Корхоналар рўйхатини шакллантириш ҳамда халқаро стандартлар, сифат менежмент тизимларини жорий қилиш ва ишчи ходимларининг малакасини ошириш ойма-ой тармоқ жадвалини тасдиқлаш.</p> <p>2. Тасдиқланган тармоқ жадвалларига мувофиқ корхоналарда 4604 та халқаро стандартлар ва 6 та техник регламентларни жорий қилиш, экспортёр корхоналарга хорижий мамлакатларнинг талабларини етказиш.</p> <p>3. Экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда халқаро стандартларнинг жорий қилинганлигини баҳолаш.</p> <p>4. Баҳолаш натижасида стандартларга номувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатлари аниқланганда камчиликларни бартараф этиш бўйича корхонабай чора-тадбирлар белгилаш.</p> <p>5. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ҳудудлардаги жойлашуви ва маҳсулот туридан</p>	<p>икки ҳафта муддатда</p> <p>тармоқ жадвалига мувофиқ</p> <p>тармоқ жадвалига мувофиқ бир ҳафта муддатда</p> <p>икки ой муддатда</p>	<p>“Ўзқурилишматериаллари” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p> <p>Корхона раҳбарлари</p> <p>“Ўзқурилишматериаллари” уюшмаси, ЎзТТСА</p>	<p>Киритилган маълумотлар ЎзТТСА томонидан таҳлил қилинган ҳолда йиғма маълумотлар Ҳукумат комиссиясига киритилади</p> <p>Ҳар чоракда Ҳукумат комиссиясида танқидий кўриб чиқиш</p>

		келиб чиқиб, синов лабораторияларини ташкил этиш тармоқ жадвалини тасдиқлаш. 6. Амалга оширилган ишлар бўйича Ҳукумат комиссиясига маълумот киритиш.	ҳар ойда	“Ўзқурилишматериаллари” уюшмаси,	
5.	Машинасозлик маҳсулотлари соҳасида: 1. Халқаро стандартларни корхоналарда жорий қилиш. 2. Сифат менежмент тизимларини корхоналарда жорий қилиш. 3. Маҳсулотларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини баҳолаш. 4. Тизимли равишда корхона ишчи ходимларининг стандартлар моҳияти бўйича малакасини ошириш. 5. Ҳудудларда ва корхоналарда маҳсулот синовларини амалга ошириш учун синов лабораторияларини ташкил қилиш ва модернизациялаш.	1. Корхоналар рўйхатини шакллантириш ҳамда халқаро стандартлар, сифат менежмент тизимларини жорий қилиш ва ишчи ходимларнинг малакасини ошириш ойма-ой тармоқ жадвалини тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган тармоқ жадвалларига мувофиқ корхоналарда 2733 та халқаро стандартлар ва 1 та техник регламентларни жорий қилиш , экспортёр корхоналарга хорижий мамлакатларнинг талабларини етказиш. 3. Экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда халқаро стандартларнинг жорий қилинганлигини баҳолаш. 4. Баҳолаш натижасида стандартларга номувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатлари аниқланганда камчиликларни бартараф этиш бўйича корхонабай чора-тадбирлар белгилаш. 5. Машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳудудлардаги жойлашуви ва маҳсулот туридан келиб чиқиб, синов лабораторияларини ташкил этиш тармоқ жадвалини тасдиқлаш. 6. Амалга оширилган ишлар бўйича Ҳукумат комиссиясига маълумот киритиш.	икки ҳафта муддатда тармоқ жадвалига мувофиқ тармоқ жадвалига мувофиқ бир ҳафта муддатда икки ой муддатда ҳар ойда	“Ўзавтосаноат” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Корхона раҳбарлари “Ўзавтосаноат” АЖ, ЎзТТСА “Ўзавтосаноат” АЖ	Киритилган маълумотлар ЎзТТСА томонидан таҳлил қилинган ҳолда йиғма маълумотлар Ҳукумат комиссиясига киритилади Ҳар чоракда Ҳукумат комиссиясида танқидий кўриб чиқиш
6.	Кимё маҳсулотлари соҳасида: 1. Халқаро стандартларни корхоналарда жорий қилиш. 2. Сифат менежмент тизимларини корхоналарда жорий қилиш.	1. Корхоналар рўйхатини шакллантириш ҳамда халқаро стандартлар, сифат менежмент тизимларини жорий қилиш ва ишчи ходимларнинг малакасини ошириш ойма-ой тармоқ жадвалини тасдиқлаш.	икки ҳафта муддатда	“Ўзкимёсаноат” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Киритилган маълумотлар ЎзТТСА томонидан таҳлил қилинган ҳолда йиғма

	<p>3. Маҳсулотларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини баҳолаш.</p> <p>4. Тизимли равишда корхона ишчи ходимларининг стандартлар моҳияти бўйича малакасини ошириш.</p> <p>5. Ҳудудларда ва корхоналарда маҳсулот синовларини амалга ошириш учун синов лабораторияларини ташкил қилиш ва модернизациялаш.</p>	<p>2. Тасдиқланган тармоқ жадвалларига мувофиқ корхоналарда 2963 та халқаро стандартлар ва 3 та техник регламентларни жорий қилиш, экспортёр корхоналарга хорижий мамлакатларнинг талабларини етказиш.</p> <p>3. Экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда халқаро стандартларнинг жорий қилинганлигини баҳолаш.</p> <p>4. Баҳолаш натижасида стандартларга номувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатлари аниқланганда камчиликларни бартараф этиш бўйича корхонабай чора-тадбирлар белгилаш.</p> <p>5. Маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳудудлардаги жойлашуви ва маҳсулот туридан келиб чиқиб, синов лабораторияларини ташкил этиш тармоқ жадвалини тасдиқлаш.</p> <p>6. Амалга оширилган ишлар бўйича Ҳукумат комиссиясига маълумот киритиш.</p>	<p>тармоқ жадвалига мувофиқ</p> <p>тармоқ жадвалига мувофиқ бир ҳафта муддатда</p> <p>икки ой муддатда</p> <p>ҳар ойда</p>	<p>Корхона раҳбарлари</p> <p>“Ўзкимёсаноат” АЖ, ЎзТТСА</p> <p>“Ўзкимёсаноат” АЖ</p>	<p>маълумотлар Ҳукумат комиссиясига киритилади</p> <p>Ҳар чоракда Ҳукумат комиссиясида танқидий кўриб чиқиш</p>
